

Юк автотранпортида юкни ташиш учун
№ 7 -сонли хизмат кўрсатиш шартномаси.

2022 йил 20 июнь

Жиззах шахри

Низом Фаррух ХК номидан (кейинги ўринларда юк ташувчи деб юритилади) Низом асосида иш юритувчи жамият раҳбари Н.Саримсоқов бир томондан ва вилоят халқ таълими бошқармаси иккинчи томондан (кейинги ўринларда юк жўнатувчи) ўз Низоми асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи бошлиғи Д.Садридинова мазкур шартнома бўйича қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартноманинг предмети.

1.1. Юк ташувчи “Юк жўнатувчи” томонидан ўзига ишониб топширилган, мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган юкни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни мазкур шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган юкни олишга ваколат берилган умумтаълим муассасанинг масъул шахсига топшириш, “Юк жўнатувчи” эса юкни ташиб берганлик учун мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур шартномада юк деганда қуйидагилар тушунилади:
-Кўмир ва кўмир брикет ёқилгиси кейинги ўринларда “Юк” деб юритилади. Юкнинг умумий оғирлиги 15207 тоннани ташкил этади.

1.3. Шартноманинг қиймати 952 352 280 (Тўққиз юз эллик икки миллион уч юз эллик икки минг икки юз саксон сўм) (ҚҚС билан) сўмни ташкил қилади.

1.4. Мазкур шартнома бўйича юкни етказиб бориш муддатлари, етказиш манзили ва нархлари 1-иловада кўрсатилади.

2. Тарафларнинг мажбуриятлари.

Юк ташувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. Юк ташишни амалга ошириш учун транспорт воситаларининг миқдори ва уларнинг турларини белгилаш ва юкларни ташишни Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2014 йилдаги 213-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидалари”да белгиланган тартиб асосида ташкил этиш.

2.1.2. Юкларни ташишга яроқли ва санитар талабларга жавоб берувчи техник соз автомашиналарни 2022 йил 20 июндан кечиктирмай кўмир ташишга тайёр қилиб қўйиш.

2.1.3. Юкни шартнома имзоланиб, кўчга кирган кундан бошлаб 5 август кунига қадар белгиланган муддатлардан кечиктирмасдан тегишли манзилга мулкка зарар етказмаган ҳолда ва юк хатида кўрсатилган ҳажмда тўлиқ етказиш ва уни масъул ходимга топшириш.

Юк жўнатувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.4. Транспорт воситалари топшириш жойига етиб келгунга қадар юкни ташишга тайёрлаб қўйиш (ташишга оид ҳужжатлар, юклар ва тушириш жойига ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (пропуск) ва бошқаларни тайёрлаш).

2.1.5. Юкни ортишда олдин транспорт воситаларини юк ташишга яроқли эканлигини текшириш. Ҳайдовчи ушбу юкни ташиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар билан таъминлаш.

2.1.6. “Юк ташувчи” томонидан ташилган юкларнинг товар транспорт юк хатларини халқ таълими бошқармасининг масъул ходими билан биргаликда тўлиқ тўлдириб имзолар қўйилган нусхасини ҳамда умумий реестрни ишга қараб тақдим қилинади. Ортиш ва тушириш пунктларига автомобилларнинг келиш ва кетишнинг ҳақиқий вақтини белгилаб бориш.

3. Шартнома суммаси ва ҳисоб-китоблар.

3.1. Юк жўнатувчи шартномада кўрсатилган умумий суммасида 30 фоизини 5 кун банк иш куни мобайнида олдиндан тўлов (аванс) сифатида тўлаб бериш мажбуриятини олади. Қолган 70% тўловлар “Юк ташувчи” томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактуралар асосида 20 банк иш куни ичида амалга оширилади.

Юк ташиш учун ҳисоб-китоблар шартноманинг 1-илоvasига асосан амалга оширилади.

3.2. Юк ташувчи ва Юк жўнатувчи ўртасида ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномаси орқали пул ўтказиш йули билан амалга оширилади. Товар-транспорт ҳужжати ўлчов далолатномаси ёки тарози тортиб кўриш, йул варақаси ҳисобланиш учун асос бўлади.

3.3. “Юк ташувчи” 1-иловада кўрсатилган хизматлари учун ташиш автомобилларида ўзгариш бўлган тақдирда “Юк жўнатувчи”га зудлик билан ёзма равишда мурожаат қилиши шарт. Бу бўйича икки томон қонун доирасида тегишли келишув битимлари тузиш имконини беради.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги.

4.1. Мазкур шартноманинг -бандида кўрсатилган юк ташиш муддатини бузганлиги учун юк ташувчи юк жўнатувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар

баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун юк жўнатувчи юк ташувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилигига асосан ҳал қилинади.

4.4. Молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ ўз вақтида молиялаштирилмаган тақдирда «Юк жўнатувчи» тўлов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

4.5. Шартноманинг 4-булими доимий бузилганлиги учун «Юк ташувчи» 10 кун олдин ёзма равишда огохлантириб, юк ташишни тўхтатишга ҳақли.

5. Низони ҳал қилиш тартиби.

5.1. Шартномани бажариш даврида ўзаро низолар пайдо бўлса томонлар келишуви орқали ҳал қилинади. Агар нозоларни келишув йўли билан ҳал қилиниб бўлмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида Жиззах туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир)

6.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7. Бошқа шартлар.


7.1. Мазкур шартнома вилоят газначилик органидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 (икки) асл нусхада тузилади ва томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

8. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

Юк жўнатувчи:

Юк ташувчи:



„Низом - Фаррух“ ХК
Жиззах в. Зомин т
Микрокредит банк Зомин


Х/р 2020 800000 4662 902001
МФО 00145 ИИН 300 638 184

9. Томонларнинг имзолари ва муҳрлари

“Юк жўнатувчи”:


Бошқарманинг бош юриконсулти хулосаси:

Юк ташувчи:



ХУКУҚИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг ҳал этилиши тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мослигини беради.

Хуқуқий экспертиза натижасига кўра куйидагилар аниқланди:

1. Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ тузилган. Тақдим этилаётган юк ташув шартномаси шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома бўйича юзага келган ҳар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-655, 686-692-моддалари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома бўйича тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.



Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасининг 2022 йилги харажатлар сметасида режалаштирилган марказлашган маблағлар ҳисобидан 2022-2023 йилларда куз-киш мавсуми учун кўмир ёқилғисини таълим муассасаларига етказиб бериш (ташиш) учун танлов ўтказилган сўнги натижалар бўйича комиссиясининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ №2

2022 йил 16 июнь

Жиззах шаҳри

ҚАТНАШДИЛАР:

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг 2022 йил 7 январдаги №5-сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари куйидаги таркибда

Д.Садриддинова- Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи танлов комиссиясининг раиси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

| | |
|---------------|--|
| Д.Хамракулов- | -Бошқарма бошлиғи ўринбосари (молиявий), танлов комиссияси аъзоси |
| А.Эшмаматов | -Бухгалтерия ҳисоби ва давлат харидлари бўлими бошлиғи-бош ҳисобчи, танлов комиссияси аъзоси |
| А.Жайнаков- | -Халқ таълими муассасаларини қуриш,таъмирлаш ва жихозлаш,бино ва иншоатлардан фойдаланишни мувофиқлаштириш,давлат-хусусий шериклик бўлими бошлиғи-бош муҳандис, танлов комиссияси аъзоси |
| З.Холиков- | -Бош юрисконсульт, танлов комиссияси аъзоси |
| И.Исаева- | - Молиявий таҳлил ва режалаштириш бўлими бош иқтисодчиси, танлов комиссияси аъзоси |
| Б.Пардаев- | -Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, танлов комиссияси аъзоси |
| А.Маматкулов | -Ижро интизومي ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, танлов комиссияси масъул котиби |

Кун тартиби:

1. Бошқарманинг 2022 йил харажатлар сметасидаги марказлашган маблағлари ҳисобидан Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги кўмир ёқилғиси билан иситиладиган таълим муассасаларига жами 15270 тонна кўмир ёқилғисини ташиш учун Ўзбекистон Республикаси Товар хомашё биржаси “Энг яхши таклифларни танлаб олиш” порталига қўйилган кўйидаги **14.06.2022 йилдаги лот №100869** бўйича жами **1 006 463 205 сўмлик** вилоятдаги таълим муассасаларига кўмир ёқилғисини жойларга ташиш учун ўтказилган “Энг паст нарх усули” электрон танловдан сўнг, жорий йилнинг 15 июн кунда “EXTRA TRANS PLUS” МЧЖ томонидан тақдим этилган №5-сонли шикоят аризасини кўриб чиқиш.

Комиссия раиси ушбу шикоят аризаси бўйича сўзга чиқиб кўйидагиларни таъкидлади, яъни бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги” №684-Қонуни асосида, халқ таълими бошқармаси тизимига қарашли таълим муассасаларига бошқарманинг 2022 йилги харажатлар сметасидаги марказлашган маблағлари ҳисобидан кўмир маҳсулотини жойларга ташиш учун қиймати харид қилиш бўйича “Энг паст нарх усули” электрон танлов асосида 2022 йил 6 июн куни эълон берилган. Ушбу эълон жорий йилнинг 13 июн куни яқунланди. Бунда паст нарх усули билан электрон усулида “Низом-Фаррух” КТХФ томонидан хизмат кўрсатиш нархини **1320 сўмдан** таклифи маъқул деб топилди. “EXTRA TRANS PLUS” МЧЖ томонидан тақдим этилган хизмат нархи **1380 сўмдан** юқори бўлгани учун ташкилот ғолиб деб топилмади.

Комиссия аъзоларининг фикр ва мулоҳазалари эшитилиб, ўрганилган ҳолда баҳолаш комиссияси Давлат харидлари тўғрисидаги қонуннинг 62-моддасини қўллаб **қарор қилади:**

жорий йилнинг 15 июн кунда “EXTRA TRANS PLUS” МЧЖ томонидан тақдим этилган №5-сонли шикоят аризаси рад этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржасининг “Энг яхши таклифларни танлаб олиш” порталида аниқланган кўйидаги лот.№100869 бўйича **14.06.2022 йилда** ғолиб деб топилган ва жорий йилнинг 16 июн кунига қадар муҳокама жараёнида бўлган EXTRA TRANS PLUS” МЧЖ томонидан тақдим этилган шикоят ариза ўрганилиб, “Низом-Фаррух” КТХФ ташкилот билан шартнома тузилсин.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва “Низом-Фаррух” КТХФ ўртасида таълим муассасаларига кўмир ёқилғисини етказиб бериш бўйича тузилган шартнома шартларига кўра белгиланган муддатда жойларга кўмир ёқилғисини етказиб берилмаган тақдирда шартномани бекор қилиш чоралари кўрилинсин.

| | | |
|---------------|--|--|
| Д.Хамракулов- | -Бошқарма бошлиғи ўринбосари (молиявий), танлов комиссияси аъзоси | |
| А.Эшмаматов | -Бухгалтерия ҳисоби ва давлат харидлари бўлими шўъба мудири-бош ҳисобчи, танлов комиссияси аъзоси | |
| А.Жайнаков- | -Халқ таълими муассасаларини қуриш,таъмирлаш ва жихозлаш,бино ва иншоатлардан фойдаланишни мувофиқлаштириш,давлат-хусусий шериклик бўлими бошлиғи-бош муҳандис, танлов комиссияси аъзоси | |
| З.Холиков- | -Бош юрисконсульт, танлов комиссияси аъзоси | |
| И.Исаева- | - Молиявий таҳлил ва режалаштириш бўлими бош иқтисодчиси, танлов комиссияси аъзоси | |
| Б.Пардаев- | -Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, танлов комиссияси аъзоси | |
| А.Маматкулов | -Ижро интизومي ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, танлов комиссияси масъул котиби | |

Баённома тузувчи масъул котиб:- А.Маматкулов

(Handwritten signature)

20.06.2022 йилдаги
7-сонли хизмат кўрсатиш
шартномасига илова

| № | Туманлар номи | Ўлчов бирлиги | тн/км | тн/км нархи | Жами суммаси |
|----|------------------|---------------|-------------------|-------------|-----------------------|
| 1 | Арнасой тумани | тн/км | 20 200,00 | 1320 | 26 664 000,00 |
| 2 | Бахмал тумани | тн/км | 166 120,00 | 1320 | 219 278 400,00 |
| 3 | Галлаарол тумани | тн/км | 105 765,00 | 1320 | 139 609 800,00 |
| 4 | Ш.Рашидов тумани | тн/км | 21 535,00 | 1320 | 28 426 200,00 |
| 5 | Дустлик тумани | тн/км | 7 325,00 | 1320 | 9 669 000,00 |
| 6 | Зомин тумани | тн/км | 99 085,00 | 1320 | 130 792 200,00 |
| 7 | Зарбдор тумани | тн/км | 18 120,00 | 1320 | 23 918 400,00 |
| 8 | Мирзачул тумани | тн/км | 23 760,00 | 1320 | 31 363 200,00 |
| 9 | Пахтакор тумани | тн/км | 16 330,00 | 1320 | 21 555 600,00 |
| 10 | Зафарабод тумани | тн/км | 20 044,00 | 1320 | 26 458 080,00 |
| 11 | Фориш тумани | тн/км | 214 695,00 | 1320 | 283 397 400,00 |
| 12 | Янгиобод тумани | тн/км | 8 500,00 | 1320 | 11 220 000,00 |
| | Жами | | 721 479,00 | | 952 352 280,00 |

"Келишилди"

Жиззах вилояти халқ таълими
бошқармаси бошлиғи

Д.Садриддинова



"Келишилди"

"Низом Фаррух" ХК
директори

Н.Саримсоков